

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши.....	72
Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ	
Қарши топонимлари тадқиқотчиси.....	76
Н.АЛИБОЕВА	
Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши.....	80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш.....	84
А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ	
Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари.....	88
Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ	
Лицей, колледж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш.....	92
Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ХОМИДОВ	
Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психолого-коррекцион усусларнинг мослиги ва самараадорлиги муаммолари.....	96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЎМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндинсисининг максимумини баҳолаш ҳақида	100
---	-----

А.ЮСУПОВА, С. ЎКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида	102
--	-----

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий мухит	104
---	-----

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима	106
--	-----

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрӯз лирикаси	109
-----------------------------	-----

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	111
--	-----

Л.СИНДОРОВ

“Хибатул-ҳақоқиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида	113
---	-----

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир.....	116
---	-----

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий мухитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили.....	118
--	-----

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги	121
--	-----

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи.....	124
---	-----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собиқ олий педагогика институти)нинг иккинчи

директори Босит Қориев	127
------------------------------	-----

УДК: 001.+331.8/.9

ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИ, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ЁШЛАРНИ АҚЛИЙ МЕҲНАТ РЕЗИСТЕНТИЛГИГА ЭКОЛОГИК ШАРОИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Н.Байдуллаева, И.Домуладжанов, Ш.Домуладжанова, С.Исройлжонов

Аннотация

Мақолада мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнат бажариш жараёнидаги мавжуд экологик шароитлари билан танишилган ва ақлий меҳнат самарадорлиги аниқланган. Олинган маълумотлар натижасига асосан ақлий меҳнат самарадорлигига экологик шароитларнинг таъсир доираси кўрсатилган. Инди видуал ёндашиш учун тавсиялар берилган.

Аннотация

В статье описаны существующие экологические условия при умственном труде учащихся средней школы и определена эффективность умственного труда. По полученным данным указан спектр влияния экологических условий на эффективность умственного труда. Рекомендован индивидуальный подход к учащимся.

Annotation

The article describes the existing environmental conditions in the performance of mental work of secondary school students and determines the effectiveness of mental work. According to the obtained data, the spectrum of influence of environmental conditions on the effectiveness of mental work is indicated. Recommended individual approach to the students.

Таянч сўз ва иборалар: илм – техника тараққиёти, меҳнат турлари, ақлий меҳнат, ақлий меҳнатда самарадорликнинг пасайши, ақлий меҳнатдан чарча, ақлий меҳнатга резистентлилк (чидамлилк), ишчи хонанинг иқлимий шароитлари, ақлий меҳнатнинг экологик шароитлари.

Ключевые слова и выражения: наука, научно-технический прогресс, виды деятельности, умственный труд, усталость и утомляемость при умственном труде, резистентность умственного труда, климатические условия рабочего помещения, экологические условия умственного труда.

Keywords and expressions: science, scientific and technical progress, types of activity, mental labor, fatigue and fatigue in mental work, mental work resistance, climatic conditions of the workplace, environmental conditions of mental work.

Жаҳонда илм–техника тараққиёти, давлатимизда илм–фан соҳасида ўтказилаётган қатор ижобий исплоҳотлар ахборот оқими ва хилма–хиллигини ортишига олиб келди ва у ёшларнинг ақлий меҳнат қилиш тартибига, турига ва ўқувчи, талабанинг ақлан чарчашига таъсир қилмоқда. Ахборот ҳажмининг ортиши, унинг бош мияда қайта ишланиши ва ўзлаштиришга ажратилган вақтнинг камайиши, берилган ахборотдан хулоса чиқариш, уларни ҳаётда татбиқ этишини қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам ёшларни ақлий меҳнат қилиш шароитларини, самарасини, ақлий меҳнатдан чарчаши ва унга резистентлигини ўрганиш амалий аҳамиятга эга. Чунки ақлий чарчаш кўрсаткичи қанча кам бўлса, меҳнат самарадорлиги кўпаяди. Ақлий меҳнат нормаларининг қулай ва ноқулай экологик ишчи шароитларда амалга ошишини

ишлаб чиқиш санитария–гигиеник нормалар билан таққослаш, янги нормаларни ўрнатиш ва ақлий меҳнат самарадорлигини ошириш йулларини излашдан иборат.

Маълумки, фаслий ўзгаришлар, шовқин, ёруғлик, намлик ва босим каби омиллар одам организмига, меҳнат самарасига, жумладан, меҳнат қилиш тартибига таъсир кўрсатади. Танланган ва янги яратилган усууллар билан ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнат тартиби, самарадорлиги ва чарчаши фасллар ўзгаришига кўра ва сунъий омиллар таъсирига кўра ўрганилади. Ҳамда сунъий омиллар таъсирлари ўзгартирилган ҳолда ақлий меҳнатта резистентлик аниқланади. Аввалги стандарт ва нормалар билан олинган натижалар таққосланиши натижасида янги нормалар аниқланади.

Тадқиқот янгилиги: Инсон ҳаёти фаолиятида ва меҳнат турларида енгиллик (жисмоний меҳнатнинг камайиши), қулайлик, самарадорлик ва яратувчанлик каби кўрсаткичларга эришдик, шу соҳалар қаторида табиий, тиббий ва аниқ фанлар,

Н.Байдуллаева – ФарПИ ҳаётий фаолият ҳаевфисизлиги кафедраси ўқитувчуси.

И.Домуладжанов – ФарПИ ҳаётий фаолият ҳаевфисизлиги кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Ш.Домуладжанова – ФарПИ ҳаётий фаолият ҳаевфисизлиги кафедраси ўқитувчуси.

С.Исройлжонов – ФарДУ жисмоний тарбия факультети доценти.

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

уларни ўзаро ва бошқа гуманитар фанлар билан уйғунлашиши тобора кучаймоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, ўқувчи-талабаларнинг мантиқан фикрлаш, маълум хulosага келиш, ўзаро маслаҳатлашиш кўнилмалари ва таҳлил қилиш малакаларини ҳосил қилиш учун қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган. Психо-физиология йўналиши юқорида келтирилган фанлар каби фанлар уйғунлашиш маҳсулидир, у инсоннинг ақлий меҳнатини психолигик ва физиологик томонлардан ўрганади, бу фанлар жумласига инсон экологиясини киритмоқчимиз ва ақлий меҳнатга экологик таърифни шакллантиришга уринамиз.

Ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнатга резистентлиги каби тушунча киритиб, бу кўрсаткич ақлий меҳнат самарадорлиги, ақлий меҳнат бажариш учун сарфланган вақт ва ақлий меҳнатдан чарчаш кабиларга таянган ҳолда аниқланади ва ўқувчи-талабаларнинг ақлий меҳнатга чидамлилик нормаси белгиланади. Бу кўрсаткичлар ёрдамида ўқувчиларнинг ақлий меҳнат қилиш нормаси, чарчаш чегараси ва чидамлилигини билган ҳолда ўзгача (индивидуал) ёндашиш мумкин. Ақлий меҳнат самарадорлигига ва чарчаш ҳолатининг қисқаришига эришиш мумкин.

Фаслий ўзгаришлар, шовқин, ёруғлик, намлик ва босим каби омилларни ўқувчи ва талабаларнинг меҳнат қилиш тартибига таъсир кўрсатиши ўрганилиши янги стандарт ва нормаларни киритишига имкон беради.

Эришиладиган натижалар: ўқувчи-талабаларнинг ақлий меҳнатга резистентлигини аниқлаш, ақлий меҳнат пайтида экологик шароитни, шунингдек, ноқулай экологик шароитларни ақлий меҳнатга таъсир этиш доирасини аниқлаш, натижалар таҳлилида янги меъёрлар ва ишчи шароитни яратиш.

Амалий аҳамияти: ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнат қилиш резистентлигининг аниқланишида унга экологик шароит ва ташки сунъий омиллар ўрганилиб, янги норма ва стандартлар яратилади. Унга кўра ҳозирда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ёшларнинг ақлий меҳнати самарасини кўтаришига, ақлий меҳнатдан чарчаш жараёнини қисқартириш ёки олдини олиш йўлларини белгилаш.

Лойиҳани амалга ошириш учун қуйидаги босқичлар бажарилади:

1 – босқич.

- мавзуга оид илмий манба, адабиёт ва илмий изланишлар амалга оширилади,

йигилган материаллар (методика) тўпланади, шарҳланади ва танланади;

- танланган методика ва усулларнинг тажриба учун материаллари тайёрланади;

- Фарона водийси экологик шароити ўрганилади (ҳавоси, суви, тупроғи) ва ташки муҳит шароити қулай ва ноқулай бўлган жойлари аниқланади ва танланади;

- танланган мактаб, лицей ва коллеж ўқувчи-талабаларининг оиласи шароити билан танишилади ва улар орасидан ижтимоий-иқтисодий шароити ўхшаш оиласи танлаб олинади;

- танлаб олинган ўқувчи-талабалар ёши ва жинсига кўра гурӯхланади.

2 – босқич.

- экологик шароити бўйича (қулай ва ноқулай шароитларда) мавсумий ўзгаришларни ақлий меҳнатга таъсирини ўрганиш;

- кузги ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнатга резистентлигини ўрганиш;

- қиши ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнатга резистентлигини ўрганиш;

- баҳорги ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнатга резистентлигини ўрганиш;

- олинган натижалар шарҳи ва хulosалаш.

3 – босқич.

- шовқин омилларининг ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнат резистентлигига таъсири ишчи шароити ўзгартирилмаган ҳолда ўрганилади ва нормаси белгиланади;

- ёруғлик омилларининг ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнат резистентлигига таъсири ишчи шароити ўзгартирилмаган ҳолда ўрганилади ва нормаси белгиланади;

- босим омилларининг ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнат резистентлигига таъсири ишчи шароити ўзгартирилмаган ҳолда ўрганилади ва нормаси белгиланади;

- намлик омилларининг ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнат резистентлигига таъсири ишчи шароити ўзгартирилмаган ҳолда ўрганилади ва нормаси белгиланади;

- олинган натижалар шарҳланади ва хulosаланади. Сунъий омиллар, олинган натижаларга кўра ўзгартирилади:

- шовқин хиллари ва баландлиги ўзгартирилади;

- ёруғлик хиллари ва ёритиш даражаси ўзгартирилади.

Юқоридаги бажарилган ишлар қайта тақрорланади. Натижалар таққосланади ва нормалар белгиланади.

4 – босқич.

- Лойиха давомида олинган маълумот ва материаллар, натижалар стандарт нормалари ва кўрсаткичлари билан таққосланади;

- олинган натижалар таҳлили, норма ва стандартлари қайта кўриб чиқилади ва янгиланади;

- ўқув жараёнига татбиқ этилади.

Лойихани бажариш учун зарур бўлган мавжуд илмий салоҳият: лойихани бажариш учун назарий асос сифатида Фарғу физиология кафедраси психо-физиологик методикалар, олинган натижалар таҳлили, назарий билимлар ва адабиётлар шарҳи, консультант – маслаҳатчилар.

Асбоб-ускуналар: оргтехника, шовқин, ёруғлик, намлик, босим ўлчайдиган асбоблар, ҳаво, сув, тупроқ таркибини аниқловчи лаборатория шароити (рўйхати илова қилинади).

Материаллар: канцелярия моллари

1–босқич. Тайёрлаш босқичи. Мавзуга оид илмий манба, адабиёт ва илмий изланишлар амалга оширилади, йиғилган материаллар (методика) тўпланади, шарҳланади ва танланади. Танланган методика ва усусларнинг тажриба учун материаллари тайёрланади. Фарғона водийси экологик шароити ўрганилади (ҳавоси, суви, тупроғи) ва ташқи муҳит шароити кулай ва ноқулай бўлган жойлари аниқланади ва танланади. Танланган жойлардаги мактаб, коллеж ва лицейлари аниқланади ва танланади, уларнинг ишчи ишлаш шароити ўрганилади. Танланган мактаб, лицей ва колледж ўқувчи-талабаларнинг оиласи шароити билан танишилади ва улар орасидан ижтимоий-иқтисодий шароити, ота-онасининг меҳнат соҳаси ва ёши ўхшаш оиласлар танлаб олинади. Танлаб олинган ўқувчи-талабалар ёши ва жинсига кўра гуруҳланади (ҳар гуруҳда 12 нафардан бола бўлиши керак). Қуйидаги мактаблар тадқиқотларда қатнашади – 21-мактаб (Қиргули, Фарғона), 1-мактаб (Қувасой), 5-мактаб (Ямбарак, Фарғона тумани), 6-мактаб (Шоҳимардонобод, Фарғона тумани), «Ёрмозор» академик лицейи, Фарғона политехника институти қошидаги Академик

лицеи (Фарғона), Қувасой шаҳридаги касб – ҳунар коллежи.

2-босқич. Экологик шароити бўйича (қулай ва ноқулай шароитларда) мавсумий ўзгаришларни ақлий меҳнатга таъсирини ўрганиш. Кузги ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнатга резистентлигини ўрганиш. Қишки ва баҳорги ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнатга резистентлигини ўрганиш. Олинган натижалар шарҳи ва хуласалаш.

Натижаларга кўра, ҳисобот топширилади. Илмий-амалий анжуманларда иштирок этилади, мақола ва тезис тайёрланади ҳамда чоп этилади. Натижалар ва услублар бўйича мутахассислар билан муҳокамалар ўтказилади.

3-босқич. Шовқин, ёруғлик, босим, намлик омилларининг ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг ақлий меҳнат резистентлигига таъсири ишчи шароити ўзгаришмаган ҳолда ўрганилади ва нормаси белгиланади. Олинган натижалар шарҳланади ва хуласаланади. Сунъий омиллар, олинган натижаларга кўра ўзгаришлади:

- шовқин хиллари ва баландлиги ўзгаришлади;

- ёруғлик хиллари ва ёритиш даражаси ўзгаришлади.

Юқоридаги бажарилган ишлар қайта тақрорланади. Натижалар таққосланади ва нормалар белгиланади.

Натижаларга кўра ҳисобот топширилади. Илмий-амалий анжуманларда иштирок этилади, мақола ва тезис тайёрланади ва чоп этилади, натижалар ва услублар бўйича мутахассислар билан муҳокамалар ўтказилади.

Иловада кўрсатилган асбоб-ускуналар ёрдамида танланган мактаблар ва лицейларда фаслий ўлчамлар олиб борилади ва тажриба дафтарига ёзилади, яъни шовқин, атмосфера босими, ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги ва бошқалар. Қолган маълумотлар Фарғона Гидрометеорология бошқармасидан олинади.

4-босқич. Тадқиқот давомида олинган маълумот ва материаллар, натижалар стандарт нормалари ва кўрсаткичлари (СаиПиН) билан таққосланади. Олинган натижалар таҳлили, норма ва стандартлари қайта кўриб чиқилади ва янгиланади. Мактаб, лицейлар ва касб-ҳунар колледжлари учун алоҳида норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва улар Фарғона вилоят таълим

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

бошқармасидан ўтказилади. Натижаларга кўра ҳисобот топширилади. Хулоса ва тавсиялар берилади ва услубий қўлланма ёзилади.

4.4. Ушбу йўналиш бўйича кўп йиллар давомида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, тадқиқот мавзуси бўйича шу кунга қадар гурӯҳ томонидан

Қувасой шахрининг 1 – умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг ақлий меҳнат самараси, ақлий меҳнатдан чарчаш чегаралари ва ақлий меҳнатга резистентлик ўрганилган. Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили, тавсия ва хулосалар мақола ва тезислар тарзида чоп этилган.

Адабиётлар:

1. И.Домуладжанов, С.Сабиров, С.Расулов, А.Жураев. Источники загрязнения атмосферного воздуха по автогаражу АООТ «Ферганский текстильный комбинат». Республика илмий-техник конференцияси «Ахборот ва ишлаб чиқариш технологияларининг илғор усусларининг тадқиқоти ва техникаси» материиллари. –Фарғона, 2003 йил, 23-24 май.
2. Махмудов И.Х., Абдуллаева М.А., Домуладжанов И.Х., Эргашев С.С., Исакова З.А., Домуладжанова М.И.Фарғона вилоятининг экологик ҳолати. «Ноанъанавий кимёвий технологиялар ва экологик муаммолар». V Республика илмий-амалий анжуманининг материаллар тўплами. –Фарғона, 2009.
3. Носиров И.А., Расулов С.Р., Абдуллаева М.А., Домуладжанова М.С., Домуладжанова М.И.Фарғона вилотида ер, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси.. «Ноанъанавий кимёвий технологиялар ва экологик муаммолар». V Республика илмий-амалий анжуманининг материаллар тўплами. –Фарғона, 2009.
4. . Бабаходжаев М.Я., Домуладжанов И.Х., Абдуллаева М.А., Абдуганиев Н.Н., Домуладжанова М.С., Домуладжанова М.И. Фарғона вилоятида сув ҳавзаларининг ифлосланиш жараёни. «Ноанъанавий кимёвий технологиялар ва экологик муаммолар» V - Республика илмий-амалий анжуманининг материаллар тўплами. -Фарғона , 2009.
5. Авлиёҳанов А., Домуладжанова М.С., Домуладжанова М.И., Юнусова Ш.И., Абдусаматов Ж.В., Хакимов Х.С.Марказий Осиёдаги экологик ҳолат. «Ноанъанавий кимёвий технологиялар ва экологик муаммолар» V - Республика илмий-амалий анжуманининг материаллар тўплами. -Фарғона , 2009.
6. 3.А. Исакова, Д.Б.Аҳмедова, Г.Р. Султанова, А.М. Тешабоев, И.Х. Домуладжанов, В.Г.Бояринова.Некоторые экологические проблемы Ферганской долины. Иқтидорли талабалар, магистрантлар, аспирант ва мустақил тадқиқотчиларнинг илмий-амалий анжумани. -Фарғона, 2010 йил, 21-22 май.
7. И.Х.Домуладжанов, А.М.Тешабоев, В.Г. Бояринова. К вопросу изменения климата. Иқтидорли талабалар, магистрантлар, аспирант ва мустқил тадқиқотчиларнинг илмий-амалий анжумани. -Фарғона, 2010 йил, 21-22 май.
8. И.Х.Домуладжанов, Н.У.Байдуллаева, Ш.И.Домуладжанова. В.Г.Бояринова. Генномодифицированные объекты. “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, инновациялар, иқтисодий самарали усуслар ва ноанъанавий ечимлар” мавзусидаги II Республика илмий ва илмий-техник анжумани. –Фарғона, 2010 йил, 28-29 май.
9. Ш.И.Домуладжанова, И.Х. Домуладжанов, А.М.Тешабоев, Д.Б.Аҳмедова, Г.Р.Султанова, М.Х.Махмудов, В.Г.Бояринова. Воздействие климатических условий на загрязнение воздушного бассейна Ферганской долины. Мамлакатни модернизациялаш шароитида минтақада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари (2 июнь 2010 йил). – Фарғона,2010.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).